ЧИГИТНИ ҚАЧОН, ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЭКИШНИ ДЕХҚОННИНГ ЎЗИ БИЛАДИ

ЛЕКИН ШАРТ ШУКИ, МУДДАТ ЎТИБ КЕТМАСИН, АГРОТЕХНИКА ҚОИДАСИ БУЗИЛМАСИН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 14 апрель
ПАЙШАНБА
№ 87 (4.283).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ҚАЙТА ҚУРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Республика меҳнаткашларининг вакиллари М. С. Горбачевнинг Ўзбекистонда бўлиши ҳақида

Чорвадорга ғамхўрлик керак

Республикамиз ҳар сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори жиҳатидан иттифоқда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турганлигини эслаганимда аллақандай нохуш ҳолатга тушаман. Ахир шароитимиз ёмон эмас, еримиз, сувимиз, молхонамиз, тажрибали чорвадорларимиз бўла туриб нега бундай қолоқлик рўй бериши мумкин? Михаил Сергеевич Горбачевнинг Ўзбекистон раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқини қайта-қайта ўқир эканман, унинг меҳнаткаш халқимиз, моҳир деҳқонларимиз шаънига айтган илиқ сўзларидан беҳад қувондим, кўксим тоғдек кўтарилди, бошим осмонга етди. Лекин камчиликларимиз, нуқсонларимиз кўрсатилганида чуқур ўйга толдим, бундай ҳолат қандай рўй берганлигини фикрладим. Шунда қуйидаги хулосага келдим: бизда ҳамма бирдек ишламаяпти, илғорлар тажрибаси илгаб олинмаяпти ва жорий этилмаяпти, таъбир жоиз топилса қайта қуриш қозонида бараварига қайнамаяпмиз. Иллат шунда, қолоқлик боиси шунда. Буни тан олмаслик мумкин эмас.

Мана бизнинг хўжалигимизни мисолга келтирайлик. Илгариларн у ҳам судралиб, танқид эшитиб, косасининг таги оқармай келарди. Чорвачиликка муносабат тубдан ўзгарди-ю, юзимиз ёришди. Ўтган йили ҳар сигирдан 3.000 килограмм, мен эса 3.500 килограммдан сут соғиб олдим. Поток-цех усули йўлга қўйилганига, ҳар бош мол ҳисобига қарийб 18 центнер озуқа бирлиги тайёрланганлиги, моллар парваришн яхшиланганлиги, пудратга кенг йўл очилганлиги, чорвадор учун жамики шароит яратилганлигн ва ҳоқазо омиллар юксалишга олиб келди. 1987 йилда совхозимиз 500 минг сўм соф фойда кўрди, рентабеллик даражаси аввалги йилдагига нисбатан 3 процент ошди ва 23 процентга етди.

Мен доимо афсусланадиган бир масала бор: нима учун узоқдагилар нари турсин, ҳатто қўни-қўшниларимиз бизнинг тажрибамизни баҳам кўришмайди? Ёки умумий юксалишга ҳисса қўшиш муқаддас бурч эканлигини унутиб қўйдикми? Қайта қуриш жараёнида бундай йўл тутиш ярамайди, Михаил Сергеевичнинг **«Яқин орада Ўзбекистон ўз эҳтиёжларини ҳам, бошқа республикаларнинг эҳтиёжларини ҳам қондирадиган маррага кўтарилиши керак»** деган сўзларини ўқир эканман, ҳар бир хўжалик чорвачиликда ўз юкини ўзи кўтариши зарур, юксалишга эришмоғи шарт деган тўхтамга келаман.

Совхозимиз чорвадорлари маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш ярим йиллик планларини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача албатта бажарадилар.

Е. ВАСИЛЬКОВСКАЯ,
Жиззах область Пахтакор районидаги «Оқбулоқ» совхозининг сигирсоғари.

ҚИММАТЛИ ЙЎЛ-ЙЎРИҚ

Колхозимиз аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ўзбекистонда бўлишини, меҳнаткашлар билан учрашувларини зўр қизиқиш ва диққат-эътибор билан кузатди. Михаил Сергеевичнинг республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқини, учрашувлардаги суҳбатларини чуқур ўқиб-ўрганиб, иш фаолиятимизни улардаги қимматли йўл-йўриқ ва хулосалар асосида ташкил этаяпмиз. Бош секретарь Тошкент районидаги колхозларда бўлиб, меҳнаткашлар билан суҳбатлашганида қишлоқ хўжалигимизнинг аҳволига ҳаққоний баҳо берди, уни ривожлантиришнинг реал йўлларини кўрсатди. Хусусан, пудратни, иш юритишнинг бошқа илғор усулларини қўлланиш ютуқлар омили бўлаётганини таъкидлади.

Хўжалигимизда анчадан бери пудрат усулида иш юритилмоқда. Унинг афзалликлари бугунги кунда барчага яхши аён. Мен 3-бригадада ишлайман. Коллективимиз биринчилар қаторида янги усулга ўтганди. Шу боисдан ҳар йили астойдил меҳнат қилиб, пахта тайёрлаш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажараяпмиз. Жумладан, бултур 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан зиёд оқ олтин йиғиштириб олдик. Йил мобайнида тежамкорликка катта эътибор берганимиз, топшириқни пишиқ-пухта бажарганимиз, ҳосилни ўз кучимиз билан саранжомлаб олганимиз туфайли мўлжалдагидан арзон пахта етиштирдик. Ҳар центнер хом ашё таннархи 48 сўм 5 тийин ўрнига 45 сўм 42 тийинга тўғри келди.

Жорий йилда ҳам 100 гектарга чигит қадашни кўзлаяпмиз. Бунга етарли тайёргарлик кўрдик. Эрта-индин экишни бошлаб юборамиз. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилганмиз. Шу ният йўлида кучгайратимизни аямай ишлаймиз.

Т. ҚОБУЛОВ,
Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхозининг механизатори.

Дилимиздаги гап

«Жамиятда қандай муносаралар, қандай эҳтиросларн жўш ураётганини кўриб турибсизлар. Ҳар бир киши нималар юз бераётганини идрок этишни, ўз фикрини топиб олишни, фикрини айтишни, ўз ҳиссасини қўшишини ёки ўзи қўшилмаган бирон нарса ҳақида фикр айтишни хоҳламоқда».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаган ушбу фикр айни колхозимиз меҳнаткашлари ҳақида айтилгандай. Ҳақиқатан ҳам бугунги деҳқон тўрт-беш йил аввалгидан тубдан фарқ қилади: ҳозир у ҳамма нарсани билишни, тушунишни истайди. Мен яқинда колхозимиз теплица хўжалиги иқтисодий ўқув мактаби тингловчилари Муслим Яхшимуродов ва Умрбой Рустамов билан суҳбатлашиб жуда мамнун бўлдим. Аввалларн кун ўтганига хурсанд эдилар улар. Энди эса экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳақида астойдил жон куйдиришяпти. Масалан, М. Яхшимуродов ер майдонидан оқилона фойдаланиш эвазига лимонлар ҳосилдорлигини 18 процент оширнш ташаббуси билан чиқди. У. Рустамов эса мева дарахтлари учун ишлатиладиган озуқа миқдорини ҳисоблаб чиқиб, тонналаб иқтисод қилиш мумкинлигини исботлади.

Колхозимизда, хусусан мен пропагандистлик қилаётган теплица хўжалигида эл мулкини ўзиникидай биладиган, жонкуяр ва ташаббускор одамлар кўп. Биз, коммунистлар эса Михаил Сергеевич алоҳида таъкидлаганидек, уларга ҳар томонлама ёрдамлашиб, таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб борсак, ишимизни олга силжитувчи, қайта қуришни жадаллаштирувчи ташаббускорлар кўпаяверади.

Н. ОЛИМОВ,
Самарқанд районидаги «Москва» колхози пропагандисти.

Шу кунларда республикамизнинг ҳамма областларида чигит экишга қизғин киришилди. Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхози чўлқуварлари ҳам сифатли тайёрланган майдонларга обитобида барака уруғи қадашмоқда. Бу муҳим иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Айниқса 12-бригада аъзолари уюшқоқлик ва фаоллик кўрсатишаяпти. Мазкур коллектив жорий йилда 164 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 31 центнердан оқ олтин етиштиришга қарор қилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир механизаторлар Хайрулла Қурбонқулов ва Абдухалил Расулов. Улар экишда бошқаларга намуна. 2. Сеялкачи Зиёдулла Қиличев иш устида. 3. Уруғ қадалмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

ИШЛАР ҚАЛАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида кўкламги экишнинг бориши тўғрисида шу йил 11 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент)

БАҲОРГИ ҒАЛЛА		Сирдарё	64,7
(Бошоқли ва дуккакли дон экинлари)		Тошкент	63,0
		Наманган	60,8
Сурхондарё	39,8	Фарғона	55,0
Бухоро	38,4	Андижон	46,9
Навоий	31,6	Самарқанд	38,6
Тошкент	26,8	Хоразм	35,0
Наманган	25,4	ҚҚАССР	20,3
Жиззах	23,4	Республика бўйича	56,4
Қашқадарё	19,1	**ПОЛИЗ**	
Самарқанд	18,4	Сурхондарё	41,1
Андижон	17,9	Наманган	39,2
Сирдарё	15,3	Фарғона	32,2
Фарғона	13,2	Бухоро	22,7
Хоразм	8,7	Андижон	19,0
ҚҚАССР	7,4	Навоий	14,5
Республика бўйича	20,5	Тошкент	10,3
МАККАЖЎХОРИ		Жиззах	9,1
Сурхондарё	71,5	Қашқадарё	8,7
Наманган	66,3	Хоразм	8,0
Навоий	55,7	Самарқанд	1,9
Жиззах	51,6	ҚҚАССР	1,5
Қашқадарё	48,2	Сирдарё	0,9
Андижон	47,6	Республика бўйича	12,3
Сирдарё	44,9	**ИЛДИЗ МЕВА**	
Бухоро	42,1	**Сирдарё**	**102,3**
Фарғона	39,5	**Жиззах**	**100,3**
Тошкент	38,5	Сурхондарё	97,6
Самарқанд	25,1	Самарқанд	97,2
Хоразм	6,4	Бухоро	92,4
ҚҚАССР	3,9	Навоий	85,6
Республика бўйича	35,0	Андижон	84,8
ЧИГИТ		Фарғона	82,0
Сурхондарё	31,4	Тошкент	81,1
Бухоро	30,4	Қашқадарё	78,9
Навоий	26,4	Наманган	76,0
Наманган	15,8	ҚҚАССР	15,4
Андижон	11,3	Хоразм	14,1
Тошкент	8,4	Республика бўйича	74,9
Хоразм	5,1	**БИР ЙИЛЛИК ЎТЛАР**	
Фарғона	4,4	**Сирдарё**	**187,0**
Сирдарё	2,6	**Хоразм**	**146,6**
Самарқанд	2,5	**Тошкент**	**118,3**
Қашқадарё	2,1	Фарғона	70,9
Жиззах	1,7	Андижон	63,0
ҚҚАССР	1,2	Бухоро	56,1
Республика бўйича	9,8	Наманган	53,0
КАРТОШКА		Жиззах	48,4
Қашқадарё	86,4	Самарқанд	14,5
Сурхондарё	77,8	Навоий	11,7
Навоий	74,5	Сурхондарё	6,2
Наманган	63,9	ҚҚАССР	1,6
Тошкент	63,4	Қашқадарё	0,3
Жиззах	60,2	Республика бўйича	31,7
Фарғона	58,7	**БЕДА**	
Сирдарё	57,7	**Жиззах**	**101,4**
Бухоро	51,2	Самарқанд	92,9
Андижон	41,2	Сурхондарё	91,2
Самарқанд	36,2	Қашқадарё	88,6
Хоразм	22,6	Бухоро	81,6
ҚҚАССР	19,0	Сирдарё	78,8
Республика бўйича	55,0	Тошкент	77,4
САБЗАВОТ		Наманган	59,8
Сурхондарё	81,3	Андижон	58,1
Қашқадарё	70,6	ҚҚАССР	55,8
Бухоро	69,9	Навоий	43,9
Навоий	69,7	Фарғона	38,2
Жиззах	65,6	Хоразм	11,9
		Республика бўйича	71,9

ДЎСТОНА СУҲБАТ

ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР президенти Г. Гусак 13 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан учрашди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси В. П. Орлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, республика Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. П. Ломакин, ЧССРнинг СССРдаги элчиси И. Ржеоржек ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Р. Н. Нишонов олий мартабали меҳмонни унга СССРнинг юксак давлат мукофоти — Ленин ордени топширилганлиги билан Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан самимий муборакбод этди. У бутун Совет Иттифоқидаги каби Ўзбекистондагилар ҳам, барча Г. Гусакни қардош Чехословакиянинг жуда катта партия ва давлат арбоби, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли намояндаси, мамлакатимизнинг улкан дўсти сифатида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш масалаларига доимий эътибор бериб келаётган инсон сифатида билишларини таъкидлади.

Меҳмон Ўзбекистон турмушининг барча соҳаларида қайта қуришнинг бориши билан республика партия ташкилоти, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда бўлган вақтида ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга бутун кучларини сарфлаётганликлари билан таништирилди. Ҳозирги вақтда партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш, давлат органлари билан партия органларининг вазифаларини яна ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш, корхоналар ва хўжаликларга ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда кўпроқ мустақиллик бериш соҳасидаги ишларни кучайтирмоқдалар. Бунда социалистик мамлакатлар шу соҳада тўпланган бой тажрибадан фойдаланиш гоят катта аҳамиятга эгадир.

Суҳбатда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан алоқаларига катта эътибор берилди. Сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий соҳаларда ҳамда жамоатчилик йўллари билан бундай алоқалар ривожланиб бормоқда. Масалан, республикамиз корхоналари ўтган йилнинг ўзидагина ЧССРга ўнлаб миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот жўнатганлиги қайд этиб ўтилди. Пахта толаси, йигирув машиналари, электрон ускуналар, экскаваторларнинг эҳтиёт қисмлари, кўн хом ашёси ва бошқа кўпгина товарлар шулар жумласидандир. Бизнинг республикамиз ҳам Чехословакиядан станоклар, машина-ускуналар, темир йўл вагонлари, фармацевтика ва парфюмерия саноати маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олиб турибди. ЧССР билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудки, мамлакатларимизнинг халқ хўжалигида ҳозир амалга оширилаётган йирик ўзгартишлар ана шундай имкониятларни яратиб бермоқда. Ҳозирча бу резервлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Суҳбат қатнашчилари халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик тўғрисида гапириб, Ўзбекистондагилар чехословак халқининг шонли фарзанди Юлиус Фучикнинг хотирасини ҳурмат билан эъзозлаётганликларини мисол қилиб келтирдилар. Ю. Фучик 30-йилларда республикага бир неча марта келиб, ўз асарларида Совет Ўрта Осиёсида социалистик жамият қурилишидаги муваффақиятлар тўғрисида ёзган эди. Фашизмга қарши курашган ажойиб журналистнинг музейи Тошкентнинг энг диққатга сазовор жойларидан биридир.

Р. Н. Нишонов Чехословакия халқларига социалистик қурилишда, ЧКП XVII съездининг, ЧКП Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий турмушини қайта қуришга оид қарорларини рўёбга чиқаришда, шунли юбилей — Чехословакия мустақил деб эълон қилинган кунининг 70 йиллигини муносиб кутиб олишда янги-янги муваффақиятларга эришишларини тилаб билдирган истакларини топширишни илтимос қилди.

Г. Гусак Ўзбекистон диёрида сидқидилдан кутиб олганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этди, ҳозирги вақтда Чехословакия Социалистик Республикаси олдида турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида сўзлаб берди. У Чехословакия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги, КПСС билан ЧКП ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик иккала мамлакат халқлари бахт-саодати йўлида, ер юзида тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади, деб қатъий ишонч билдирди.

ЎзТАГ.

Г. ГУСАК ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Густав Гусак 12 апрель куни Тошкентга келди.

Ҳурматли меҳмон шарафига Тошкент аэропортида ЧССР, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари кўтарилган ҳамда чех, рус ва ўзбек тилларида табрик транспарантлари осилган эди.

Густав Гусакни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, республика Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси В. П. Орлов, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, ЧССРнинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси И. Ржеоржек, СССРнинг ЧССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. П. Ломакин Густав Гусак билан бирга Тошкентга келдилар.

ЎзТАГ.

БУНИ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ДЕЙДИЛАР

РЕПОРТАЖ

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозга сафардан мақсадим коллективнинг узоқ йиллик қолоқликдан қандай чиққанлиги, сўнгги икки йилдан буён қўлга киритаётган меҳнат муваффақиятларининг сири ҳақида ҳикоя қилиш эди. Хўжалик ишлари тўғрисида гап бошлашдан олдин директор Шакарбой Исроилов шундай деб қолди:

— Ҳозир халқ депутатлари қишлоқ Советининг сессияси бошланади. Унда қатнашсангиз яхши бўларди. Чунки хўжалик ижрокомининг катта мададига таяниб иш кўраяпти.

Сессиянинг кун тартиби ҳам кишилар одатдаги мажлисбозлик ёки баландпарвоз ҳисоботлар учун тўпланмаганликларини кўрсатиб турарди. Ижрокомнинг иши ҳақида унинг раиси А. Саъдуллаев, бюджет ижроси тўғрисида депутат Х. Тоғаева доклад қилишлари керак экан. СССР Олий Совети Президиумининг «Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг социалистик мулкчиликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлари тўғрисида» қабул қилинган қарорининг бажарилиши ҳақида 7-ўрта мактаб директори У. Юсупов ахборот беради. Ижрокомнинг келгуси иш плани ҳам мухтасаргина қилиб кун тартибига киритилди.

Бироқ ушбу кун тартиби сессиянинг ишига бор-йўғи йўналиш берди. Тилга олинган масалалардан ташқари кундалик долзарб вазифалар хусусида ошкора мулоқотлар бошланиб кетди. Умуман муҳокама мавзусини қисқача қилиб шундай изоҳлаш мумкин: «Бугунги кунда янада яхшироқ ишлаш ва яшашга нима ҳалал бераяпти? Олға қараб бир эмас, уч ёки тўрт қадам қўйиш учун нима қилмоқ зарур?»

Қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси асосан икки муҳим муаммога эътибор берди: ишлаб чиқариш ва посёлканинг бугунги қиёфаси.

— Нима сабабдан каттакон коллективимиз йил сайин зарар келтириб давлатдан қараздор бўлиб қолаяпти, — деди у. — Айтишларича, ер ёмон эмиш. Бу гапда қисман жон бор,— совхоз экин майдонлари орасида мутлақо шўрланмаганлари йўқ. Бироқ гектаридан пландаги 22 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил кўтарган Холбуви Рустамованинг бригадаси ҳам хўжалигимиз территориясида деҳқончилик қилади-ку! Энг кўп шўрланган майдондаги Зокир Яхшибоев бригадасини олайлик. Қийин шароитга қарамай пахта ҳосилдорлигини гектаридан қарийб 20 центнерга етказишди. Демак, ернинг яхши-ёмони йўқ, ҳамма гап унга муносабатда.

Келинглар, депутат ўртоқлар, меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин бўлган тадбирлар тўғрисида батафсилроқ гаплашиб олайлик. Менимча, дастлабки эътиборни турмушимизга, посёлкамизга қаратишимиз керак. Турар жойлар ҳамон етишмаслиги, кўчаларимизнинг қаровсизлиги, халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш кўнгилдагидек эмаслиги бор гап. Ўйлайманки, бу камчиликларни бартараф этиш қўлимиздан келади. Меҳнаткаш учун яхши шарт-шароит вужудга келтирилса, муваффақиятларга сўзсиз эришилади. Ана шу арзимас юмушларни эса бировдан келиб бажармайди. Бизга маҳаллий ҳокимият ваколати берилган экан, ундан кишиларнинг турмуш фаровонлиги йўлида янада тўлароқ фойдаланайлик.

А. Саъдуллаевнинг нутқи катта мавзудаги суҳбатга туртки бўлди. Одамлар бирин-кетин минбарга кўтарилиб, тортиниб ўтирмай, ҳеч қандай қоғоз ёрдамисиз фикр-мулоҳазаларини баён этишга киришдилар.

— Газчиларнинг бугунги ишлари тамомила қониқарсиз, —деди мактаб директори У. Юсупов. — Улар қишнинг қаҳратонида иситиш системасини газ билан ёқишга мослаштиришни бошладилар. Устига-устак бамайлихотирлик билан, қўл учида ишлашди. Натижада мактаб, болалар боғчаси ва посёлканинг катта қисми иссиқликсиз қолди. Наҳотки ижроия комитет шундай аҳволни кўра туриб кўрмасликка олса!

— Бизда камчиликлар олдида ҳали бу ҳам ҳолва, — деди хотин-қизлар кенгаши раиси Раъно Эргашева. — Депутатларнинг кўпчилиги боғча ремонтини ҳеч кечиктирмай бошлаш кераклигини яхши билишади. Бироқ ҳамон ким билади —нечанчи ўриндамиз, навбат кутмоқдамиз. Наҳотки қўл қовуштириб, мўъжиза пойлаб ўтираверсак. Хотин-қизлар кенгашида болалар боғчаси ремонтини ҳашар йўли билан тугатишга аҳд қилдик. Ўйлайманки, ака-укаларимиз бизни қўллаб-қувватлашади.

— Депутатларнинг эътиборини яхши яшаш ва ишлашда халақит берадиган кимсалар борлигига қаратмоқчиман, — деди участка инспектори, милиция катта лейтенанти Х. Эргашев. — Масалан, ўтган йили 17 та ичкиликбозлик ва 10 марта майда безорилик ҳолатларини фикр-мулоҳазаларини баён этишга киришдилар.

— Инсон омили тўғрисидаги масала жуда тўғри ўртага қўйилди, — дея уни қўллаб-қувватлади совхоз директори Ш. Исроилов. — Ҳозир тахминан 10 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойлар етишмаяпти. Соғлиқни сақлаш пункти, дорихона, болалар боғчаларини зудлик билан ремонтдан чиқариш лозим, йўлларнинг ҳолати ёмон. Буларни кўпчилигимиз яхши биламиз. Аммо зарар келтираётган хўжалик раҳбари нима қила олади? Албатта, давлат ёрдамини инобатга олиш лозим, бироқ у ҳам қачонгача давом этади? Фақат бутун коллективнинг фидокорона меҳнати билан совхозни қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиш мумкин. Демак, ҳаммаси асосан ўзимизга боғлиқ.

Айниқса бир нарсага эътиборларингизни қаратмоқчиман. Посёлкамиз кўчаларига ахлат ташланмоқда, йўлаклар четига дарахтлар ўтқазилмаган, ариқлар кўмилиб, уйлар кўримсиз аҳволда. Наҳотки ана шулар учун ҳам давлат муассасалари аралашуви шарт бўлса? Атрофни тартибга келтириш, дарахтзор, гулзорлар барпо этиш, уйларни оқлаб, дарвоза-эшикларни бўёқдан чиқариш учун ҳам наҳотки бировнинг кўмаги зарур.

Хотин-қизлар кенгашининг раиси Р. Эргашева гап шу ерга келганда ўрнидан кўтарилди.

— Депутатлар ахбороти учун айтиб қўймоқчиман: кенгашимиз қошида ободонлаштириш комиссияси тузилди, унинг ҳар бир аъзосига маълум маҳаллалар бириктириб қўйилди. Бундай йўл тутиш кўчаларимизда орасталик, тозаликка албатта таъсир этса керак.

Мажлис қатнашчилари бу ташаббусни қизғин маъқуллашди. Кўпчилик бу ҳаракатга барча жамоат ташкилотларини жалб этиш, ҳашар ўтказиш таклифини киритди.

Бир сўз билан айтганда, сессияда чин юракдан, ишчанлик билан суҳбатлашиб олинди. Ишлаб чиқариш ҳақида ҳам, турмуш хусусида ҳам ҳар томонлама гап борди. Давлат олдидаги қарзлардан қутулиш, меҳнаткашларнинг пировард натижадан манфаатдорлигини ошириш йўллари белгиланди.

Совхоз ўз ривожланишининг янги босқичига — оёққа туриш даврига келди. Албатта, ҳозир тез-тез тилга олинаётган ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга тўла ўтиш учун ҳали вақт бор. Бироқ дастлабки қадамлар қўйилди ҳисоб — ўтган йили бир миллион сўмга яқин даромад олинди. Ана шу муваффақиятда биз ҳикоя қилган Чаманзор қишлоқ Совети депутатларининг куч-ғайратлари, ташаббуслари муҳим роль ўйнамоқда.

А. ПОКОТИЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Янгиерлик гулчилар «Чиннигул» деб аталган янги кооператив ташкил этдилар. Бу чўлқуварлар шаҳри аҳолисини турфа чечаклар билан таъминлаш имкониятини яратди. Гуллар хилма-хил, энг муҳими, арзон бўлиши билан кўпчилик эътиборини жалб этаяпти.

СУРАТДА: кооператив аъзоси Линура Аппазова гулзорда.
О. АДИЯНОВ фотоси.

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб берадилар

Газетага муносабат ўзгаради

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг шу йил 26 январь сонида «Газетага муносабат шуми?» сарлавҳали мақолага Сурхондарё область партия комитетидан қуйидаги жавоб олинди:

«Газетага муносабат шуми!» мақоласи Ўзбекистон Компартияси область комитети бюросининг 1988 йил 17 февралда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди. Шу нарса таъкидландики, чиндан ҳам Гагарин район партия комитетининг ўз матбуот органига муносабатида қатор камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўйилган.

Гагарин район партия комитети бюросига «Меҳнат зафари» газетасига қониқарсиз раҳбарлик қилаётгани кўрсатиб ўтилди. Матбуот органига муносабат, газета танқидий чиқишларини назар-писанд қилмаётган раҳбарларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилгани, газетанинг собиқ редактори Ж. Ваҳобовга нисбатан либерал йўл тутгани учун райком секретари Ф. А. Ашуровага ҳайфсан берилди.

Район партия комитетига кўрсатиб ўтилган камчиликларни қисқа муддат ичида бартараф этиш вазифаси топширилди. Шунингдек, меҳнаткашларни сиёсий хабардор қилиб тарбиялаш, нуқсонлар ва салбий ҳолатларни тугатишда, жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳамда сафарбар этишда газетанинг ролини ошириш чораларини кўриш юзасидан кўрсатма берилди.

Собиқ редактор ўртоқ Ж. Ваҳобов фаолиятя ва хулқатворини баҳолаш пайтида бошлангич партия ташкилоти (А. Йўлдошев) принципсизлик қилганлигини таъкидлаб ўтилди.

Халқ депутатлари Гагарин район Совети ижроия комитетига (М. З. Зонров) уч ой муҳлат ичида редакцияни район марказига кўчириш, журналистлар, матбаачиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш топширилди (босмахона Комсомолободга кўчириб бўлинди).

Матбуот, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси (Э. Т. Тангиров) зиммасига босмахонани техника, кераклн ускуналар билан жиҳозлашда ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланди.

Айни шу масала Ўзбекистон Компартияси Гагарин район комитети бюросининг 1988 йил 30 мартдаги мажлисида ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Коллективга партиявий раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги, журналистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўймаганлиги, маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш юзасидан чоралар кўрмаганлиги учун «Меҳнат зафари» газетаси редакцияси бошлангич партия ташкилотининг секретари А. Йўлдошевга ҳайфсан берилди.

Газетага партиявий раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги учун райкомнинг пропаганда ва агитация бўлимн мудири Х. Х. Шоймардонов қаттиқ огоҳлантирилди.

Газета редактори Д. Ч. Ғуломова қайта қурншнинг муҳим муаммоларн бўш ёритилаётганн кўрсатиб ўтилди.

Т. МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитети секретари.

ЧОРА КЎРИЛДИ, ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1988 йил 25 февраль сонида босилган «Шам ёқиб қозон қайнатишмоқчи» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Фактлар тасдиқланди. Текшириш якуни «Чимбойобод» колхози правлениесининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилиб, камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланди. Машина-трактор паркида меҳнат интизоми бўшаштириб юборилганлиги, ремонтчиларга етарли шарт-шароит яратиб берилмаганлиги учун устахона мудири Ф. Эшонқулов огоҳлантирилди. Колхоз бош инженери И. Раҳматов вазифасидан бўшатилди.

Район партия комитети «Чимбойобод», «Память Ленина» колхозларида қишлоқ хўжалиги техникасини баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш, механизаторларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишни РАПО раисининг механизация бўйича ўринбосари Р. Йўлдошев зиммасига юклади.

М. АБДУРАИМОВ,
Большевик район партия комитетининг биринчи секретари.

* * *

Халқ депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети маълум қиладики, «Сув қадрини ташна бўлганда сўранг» (25 февраль, 1988 йил) сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри. Бугунги кунда водопровод қувурлари тузатилди. Сувнинг беҳуда оқишига чек қўйилди. Хасково совхози дирекцияси водопровод тармоқларини ҳамда йўлкалар ремонтини тугатиш тадбирларини белгилади.

А. ҒАФФОРОВ,
халқ депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

* * *

«Комиссия келармиш» сарлавҳали мақола (5 февраль 1988 йил) «Ёш ленинчи» колхози правлениеси ва партия ташкилотининг қўшма мажлисида муҳокама этилди. Унда РАПО раҳбарлари, етакчи мутахассислари иштирок этишди. Сабзавотчиликдаги мавжуд камчиликлар очиб ташланди.

Планлаштиришда ва ишлаб чиқаришда йўл қўйган камчиликларн учун колхоз правлениеси раиси Б. Нишонов огоҳлантирилди. Хўжалик бош экономисти Ҳ. Қаҳҳоров, бош агроном Н. Отамуродовлар вазифаларидан четлаштирилдилар.

Жорий йилда хўжалик экономикасини юксалтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди, унинг бажарилиши район агросаноат бирлашмаси томонидан назорат остига олинди.

И. НУРАЛИЕВ,
Қизилтепа район агросаноат бирлашмаси кенгаши раиси.

ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАЙТА ҚУРИШ САМАРАСИ

Фарғона темир йўл бўлимн Гурчумозор станциясн ходимлари ҳар бир вагондан юк туширнб олнш вақтнни уч соат қисқартдилар. Шундай қилиб Бутуниттифоқ XIX партня конференцияси шарафига олинган социалистик мажбурнятларнинг муҳим банди бажарилди.

— Бу мижозларимиз билан ишлашни қайта қурганлигимиз натижасидир, — дейди станция бошлиғи Ҫ. Боймирзаев. — Эндиликда биз бизга келаётган юкнинг ҳажми ва унинг нима эканлигини бир кун олдин билиб оламиз. Юкни туширнб олиш учун майдончалар, зарур механизмларни тайёрлаб қўямиз.

Станцня ходимлари билан нефть базаси ҳамда момиқ бирлашмаси коллективлари ўртасида қалин амалий алоқалар йўлга қўйилди. Яқин-яқингача юк тушириб олиш муддатларинн бўзиб келаётганлар энди темирйўлчиларга фаол кўмаклашмоқдалар, уларнинг барча кltнмосларн, фикр-мулоҳазаларига тез эътибор бермоқдалар. Вагонлар обороти кескин кўпайганлиги, вагонлар бекор туриб қолганлиги учун корхоналар тўлайдиган жарималар барҳам топганлиги ана шу ҳамкорликнинг қонуний натижаси бўлди.

Афсуски, Хўжаобод агросаноат комбинати 27-давлат подшипник заводи коллективининг илғор тажрибасидан фойдаланишни истамаяпти. Улар йил бошидан бери 6 минг сўмдан кўпроқ жарима тўладилар.

РЕКОНСТРУКЦИЯ ПЛАНИ АСОСИДА

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг майдалаш-бойитиш комплекси тўла қувват билан ишлай бошлади. Бу ерда туб реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Реконструкция давомида конвейерларнинг 40 дан ортиқ узеллари алмаштирилди ва ремонт қилинди, такомиллаштирилган майдалаш техникаси ўрнатилди. Мураккаб системали автоматика технологик жараёнларни бошқармоқда. Бу эса комплекс аварнясиз ишлашнни таъминлайди.

Ишларнинг кўп қисми коллектив кучи билан бажарилди. Ишлаб чиқарншни такомиллаштиришга комплекснинг энг яхши мутахассислари Г. Саляев, А. Шорохов, Р. Фатхудинов, Г. Фёдоровлар катта ҳисса қўшдилар.

Иқтисодчиларнинг ҳисоблашича, реконструкцнялашга кетган харажатлар шу беш йилликдаёқ қопланади.

ЧИГИТНИ ҚЎШПУШТАГА ЭКИШ

ДЕҲҚОН ТАОМИЛИ

Ғўза иссиқсевар ўсимлик. Тупроқда белгиланган даражада ҳарорат бўлмаса уруғ кўкармайди, қуёшдан етарлича иссиқлик олмаган ниҳол ривожланмайди, кўсак очилмайди. Суткалик ўртача ҳароратдан 10 даража чиқариб ташлангандан қолгани экинга фойдали ҳисобланади. Ўрта толали ғўза чигити экилгандан пахта очилгунгача ана шу фойдали ҳарорат йиғиндиси 1.800, ингичка толаники учун қарийб 2.200 даража бўлиши керак. Ўсимлик уни 4—5 ой мобайнида тўплайди. Ғўза ўстиришнинг ҳозирги технологияси қуёш энергиясидан самарали фойдаланишга асосланганми? Бизнингча, жуда кам. Хўш, унда қандай камчиликлар бор?

Аввало баҳорда тупроқ жуда секин исийди, дала ишлари кеч бошланади. Остки қатлам ҳадеганда селгимайди, кўкламги ёғингарчиликлар эса бу ишни янада орқага суриб юборади. Баъзан тракторни анча вақтгача далага киритиб бўлмайди. Агар остки қатламнинг тобга келиши кутилса, ернинг юзаси қуриб, уруғ унниши учун зарур бўлган нам етишмай қолади. Натижада қайта экишга ёки қўшимча суғоришга тўғри келади.

Муаммо туғилади: тупроқнинг пастки қисмини тезроқ тобга келтириш, ундаги ҳароратни жадал кўтариш, шу асосда чигитни кўкартириш ва тўлиқ ниҳоллар олиш учун табиий намликдан фойдаланишнинг иложи йўқми? Бу масалани пуштага экиш технологияси ҳал этадики, бунинг учун кузги шудгордан кейин жўяклар олинишн керак. Шу тарика баҳорда уруғ қадаладиган пуштада етарли намлик сақланади, эгатлар тез қурийди, трактор ғилдираклари юрганда тупроқ зичлашмайди, дала ишлари барвақт бошланади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника институти «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда бу технологияни 15 йилдан бери тавсия этиб келади, бироқ уни жорий қилишга эришилмаётир. Айни пайтда республика бўйича 300 минг гектардан зиёд майдонга пушта олиниб чигит экилмоқдаки, бу ҳали кам.

Амалда қўлланилаётган асосий экиш технологиясининг иккинчи камчилиги суғориш билан боғлиқ. Ғўзани суғорганда тупроқ тўлиқ намланиши учун сув жилдиратиб оқизилади. Бунда остки қатламдаги нам қисман, юзароқдагиси тўлиқ ҳавога буғланиб, оби ҳаётнинг 30—35 проценти нобуд бўлади. Шу билан бирга қуёш энергияси ҳам бекор кетади. Ҳар квадрат метрни суғоришга қарийб 100 литр сув берилса, унинг деярли учдан бир қисми буғланади. Бир литр оби ҳаётни буғга айлантириш учун 600 килокалория иссиқлик керак. Ёзда ҳар квадрат метрга салкам 5.000 килокалория қуёш энергияси тўғри келади, унинг ярми ҳавони, ўсимликни ва тупроқни иситишга, қолгани эса сувни буғлантиришга кетади. Демак, ҳар суғоришда ғўза оладиган иссиқлик камаяди. Оқибатда ҳосилнинг етилиши кечикади.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни қўшпуштага қадаш, табақалаб суғоришни таклиф қиламиз.

Қўшпуштага экиш қуйидагича: куз ёки кўкламда олинган пушта устидан унча чуқур бўлмаган эгатлар очилади. Натижада қўшпушта ҳосил бўладики, чигит ана шунга экилади. Ундаги қатор оралари кенг ва тор бўлиб, бири иккинчисидан 1,5 марта катта. Жўякларнинг эни ҳам, чуқурлиги ҳам фарқ қилади. Тупроқда нам етарли бўлмаган тақдирда уруғни кўкартириб олиш учун пушта устидаги ариқчадан сув берилади.





РАСМЛАРДА: 1. Қўшпуштага экишнинг иш схемаси. 2. Қатор оралиғидаги тупроқни зичлайдиган, ички қум билан тўлдирилган каток.

Бу схема учун бизга 1980 йилда авторлик гувоҳномаси берилган.

Чигитни қўшпуштага экишнинг қандай афзалликлари бор?

Кенг қаторлар оралиғи 78, торлариники 52 сантиметр бўлиб, кўчатлар сони гектар бошига камида 80—100 минг тупни ташкил этади. Трактор ғилдираклари фақат катта жўяклардан юргани учун оралиқдаги тупроқ мутлақо босилмайди. Экиш олдидан тор қатор оралиғига белгиланган чуқурликда минерал ва маҳаллий ўғитлар солиниб, махсус шаклдаги катоклар билан зичланади. Буни республика Фанлар академиясининг академиги М. Муҳаммаджонов тавсия қилган.

Экин фақат чуқур жўяклардан суғорилади, қўшпуштадаги икки қатор қилиб экилган ниҳолларнинг илдизлари яхши ривожланади, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 5—6 центнер кўпаяди.

Қўшпуштанинг остки қатлами нам, юзаси қуруқ бўлгани туфайли сувнинг буғланиши кескин қисқаради, тупроқ ҳарорати 2—3 даража ортади, кўсак 8—10 кун барвақт очила бошлайди. Буғланиш камайгани учун минерал ўғитлар ер сиртига кўтарилмайди, аксинча нам билан кўпроқ ўсимлик илдизига сингади. Шўрланиш ҳам озаяди.

Сувчилар сони икки баравар қисқаради.

Ишлов бериш пайтида илдиз кесилиши, ғўзанинг вилт билан касалланиши икки марта камаяди.

Тошкент область Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхозда бу усул анча йиллардан бери қўлланиб келинмоқда. Хўжаликда ҳар йили 1.700 гектар майдонда чигит қўшпуштага экилиб, юқори натижаларга эришилмоқда. 1985 йилда «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими М. Ҳасанов ва бошқалар ҳам шундай схемани тавсия этишди.

Энди суғориш технологияси ҳақида. Кўпгина тадқиқотчилар кейинги йиллардаги кузатишларда ғўзани тўлқинсимон шаклда суғориш ёки ҳаётни тежашга имкон беришини аниқладилар. Америкалик мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, бу усул қўлланилса 30—50 процент сув иқтисод қилиниши мумкин. Республикамизда унинг кенг оммалашмаётганига сабаб — мураккаб ва қимматли қурилмалар керак.

Бизнингча, тўлқинсимон ўрнига табақалаштириб суғориш қулайроқ. Бу ҳолда иш жуда соддалашиб, нархи арзонлашади. Табақалаштириб суғориш қуйидагича амалга оширилади: дастлаб жўяклардан кўп (одатдагидан 3—4 баравар зиёд) сув берилади, у эгат охирига яқинлашгач, камайтирилиб, жилдиратиб қуйилади. Шунда жўякнинг бошидан охири бир хил намиқади, 30—40 процент оби ҳаёт тежалади. Бу усул ҳам юқорида номи тилга олинган совхозда, ўша майдонларда синовдан ўтган.

Хуллас, чигитни қўшпуштага қадаш ва ғўзани табақалаштириб суғориш қайта экишни камайтиради, ҳосилдорликни гектарига 5—6 центнер оширади, пахтанинг очилишини 8—10 кун тезлаштиради, сарф-харажатларни қисқартиради. Моддий, меҳнат ва материал ресурсларини, айниқса сувни тежаш, минерал ўғитлардан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Айни кунларда республикамиз хўжаликларида чигит экиш оммавий тарзда бошланди. Ҳар бир колхоз ёки совхозда биз тавсия этаётган усуллар тажриба тариқасида 10—15 гектарда синаб кўрилса, юқорида айтилган афзалликларга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ғ. УМАРОВ, Ж. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари. Ш. КАРИМОВ, Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз бош агрономи; Н. АҲМЕДОВА, ТИИИМСХ ходими, С. УМАРОВ, ТошПИ доценти.

ЗИҒИР ПОЯ ПАЙКАЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Карл Маркс номли совхозда зиғир экиладиган майдонлар ҳозир 100 гектарга етди. Бу зиғирларни Р. Давадов ва Х. Сатторов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадалар экишган.

Илгарилари озгинагина майдонга зиғир экилар эди. Кейинги йилларда бу экинни унутиб қўйдилар. Эндиликда хўжалик ҳисобидаги коллективлар зиғирпоя етиштиришнинг иқтисодий жиҳатдан юксак самарадорлигига қизиқиб қолдилар. Бу экин лалмикор ерларда экилади ва ҳосил арзонга тушади. Фақат уни экиш ва йиғиб олиш учун харажат қилинади, холос, қолган ишларни шу ўсимлик учун қулай об-ҳавонинг ўзи бажараверади.

Тола учун ишлатиладиган зиғирпоялардан ташқари деҳқонлар ҳар гектар майдондан 6 центнердан уруғлик ҳам олишмоқчи. Бу зиғир етиштириладиган анъанавий зоналар учун жуда юқори ҳосилдир. Ўтган мавсумда олинган уруғлар янги йирик плантациялар барпо этишга ёрдам берди ва зиғир мойи олиш учун сарфланди. Поялариннг бир қисми билан қоракўл боқилди (хўжаликда ҳозир 20 минг қўй бор), шунингдек чорва молларга энг яхши тўшама сифатида фойдаланилмоқда.

Эндиликда областнинг тоғли зонасидаги бошқа хўжаликлар ҳам зиғир пайкалларини кенгайтиришни ёқлаб чиқмоқдалар. Бу йил Россия далаларининг маликаси бўлган бу экин 1000 гектардан кўпроқ ерда етиштирилади. Бу янги экин экилаётган жойларда мойжувозлар ҳам қурилади. Шаҳрисабз районида зиғир мойи тайёрловчи кооператив ташкил этилди— пазандалар бу ёғдан ниҳоятда таъмли ва тўйимли палов тайёрлашлари мумкин.

(ЎзТАГ).

Рустам РАҲМОНОВ

ОНА ТУПРОҚ ҲАСРАТИ

ЕКИ ГЕКТАРИНИ УНУТИБ, ТОННА КЕТИДАН ҚУВИШНИНГ ХУНУК ОҚИБАТИ ХУСУСИДА

ИНСОННИ тупроқдан, тупроғи лойдан яралган деган афсонада ҳақиқат бордек туюлади. Негаки унинг борлиқ емиши, ичмиши тупроқдан бинога келади. Ҳатто кийган кийими шу тупроқ маҳсулидир. Барча жонлиқ-жонворлар ердан, заминдан унган ўт-ўлан, озуқа билан тирик. Ҳаммамиз шу табаррук тупроқ узра умр кечирамиз. Шунинг учун уни эъзозлаб Она-тупроқ, Она-замин деймиз. Барҳаёт она тупроқ бизни боқади, тўйдиради, кийинтиради, сақлайди. Унинг оналиги яна шундаки, умр поёнида инсонни тупроқ ўз бағрига олади...

Ер қадрини, тупроқ баҳосини деҳқондан яхшироқ биладиган касб соҳиби бўлмаса керак. Чунки унинг завқ-шавқи, бутун ҳаёти шу замин билан боғлиқ кечади, ўз насибасини, ризқ-рўзини шу она тупроқдан ундириб яшайди. Ернинг, тупроқнинг дарду ҳасратини фақат деҳқон чуқур англайди. Ернинг тили, дили ёлғиз деҳқонга аён. У ундирган ноз-неъматини эл-юртга улашади.

Албатта, ўтмишда деҳқон бир парча еридан ҳосил ундиришда фақат билак кучига таянган. Эндиликда шароит тамомила ўзгача: ҳосил яратишда асосий оғирлик техника зиммасида. Тупроқ унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини оширишда турли хил маъдан ўғитлардан кенг фойдаланилади. Бугунги деҳқончилик илм-ҳикматга асосланган.

Деҳқоннинг маржон тери, қишлоқ хўжалиги фани, техника, ўғит ўлкамиз тупроғига қут-барака келтириб, Ўзбекистонимизни «оқ олтин диёри» деган шон-шарафга буркади. Дарҳақиқат, кечаги қақроқ, шўрхок, ботқоқлик, тўқай ва дашт ерлар Совет ҳокимияти йилларида озод деҳқон меҳнати билан серҳосил экинзорларга айлантирилди.

Партия ва ҳукуматимиз суғориладиган майдонларнинг самарадорлигини ошириш, тупроқни унумдор қилиш юзасидан катта тадбирлар белгилашганидан ҳаммамиз воқифмиз. Айни пайтда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қарор ва қонунларда тупроқ эрозиясига қарши кураш чоралари белгиланган.

Буларнинг ҳаммаси тупроқ структурасида табиийликни сақлаш, ундаги микроэлементларнинг яшаш қобилиятини оширишга, шубҳасиз, хизмат қилиши керак. Афсуски бизда, хусусан, Андижон области территориясида тупроқ унумдорлиги ва унинг структураси анчагина бузилган. Шунинг учун ҳам бир пайтлар мамлакатга донг тараган областда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби барча диққат-эътибор суғориладиган экин майдонларининг **МИҚДОРИ**га эмас, **ҲОСИЛИ**га қаратилаётганидир. Яъни ҳозир колхоз ва совхозларда **ГЕКТАР**нинг қадру қиммати қолмади, унинг ўрнини **ТОННА** ёки **ҲОСИЛ МИҚДОРИ** эгаллади. Нима қилсанг қил-у фалончи ҳосил бер деган талаб ҳокими мутлақ бўлиб қолди.

Эллигинчи йилларгача ер ҳисоби қатъий олиб бориларди. Бирон хўжалик планда белгиланган **ГЕКТАР**дан ортиқча ерга экин экса, уни яшириб қолса, у ким бўлишидан қатъий назар маъмурий жазо оларди. Ўша пайтларда Андижон районида адир ерларни ўзлаштириб ҳисобда йўқ экин эккани учун колхоз раиси, республикада машҳур пахтакор Тешабой Мирзаев катта обрўга эга бўлишига қарамай ишдан олиниб, партия жазосига тортилган.

Илгари ҳамма жойда гектарларнинг унумдорлигини ошириш ҳисобига кўпроқ ҳосил ундириш пайида бўлинарди. Ерлар чуқур ва сифатли ҳайдаларди, дала четларига ҳам яхши ишлов бериларди. Давлат ажратадиган минерал ўғитлардан ташқари кўплаб маҳаллий ўғит солинарди. Ҳар бир колхозчи эрталаб уйидан ё бошқа жойдан бир кўтарим гўнгми, кулми, чириндими орқалаб далага борарди. Буни «ҳосилот халтаси» дейишарди. Уни олиб келмаган колхозчини даладан қайтариб юбориш ҳоллари ҳам бўлган. Шу тадбирнинг ўзи ернинг, гектарнинг қадр-қиммати нақадар юқори қўйилганини кўрсатади.

Ерга эътиқод зўрлигидан у чарчамаган-толиқмаган. Натижада экинлар турли касалликларга бардошли бўлган ва ҳашаротларни писанд қилмаган.

Эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб мамлакатда, жумладан республикамизда янги ерларни кўплаб ўзлаштиришга киришиб кетилди. Бу, албатта, ўша даврда зарур тадбир эди. Чунки аср лар давомида қақраб ётган қанчадан-қанча майдонлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилиши, эяга хизмат қилдирилиши керак эди. Лекин бу кампания бошқа бир хатарни келтириб чиқарди: янги ерларни ўзлаштириш билан гектар ҳисобини йўқотиб қўйдик.

Бунинг устига колхоз ва совхозларда давлат планлари гектар ҳисобидан эмас, тонна ҳисобидан белгилана бошланди. Натижада хўжаликларда мумкин қадар кўпроқ майдонга экин экиб, ялпи ҳосил салмоғини оширишга интилиш касали қучайиб кетди.

Гектарлар қадри йўқола борган сари ерни унумдор ҳолатда сақлаш, уни табиий ўғитга тўйинтириш учун қайгуриш ҳам сусайди. Бунинг устига минерал ўғитлар нормаси кўпайтирилди, янги ерлар ўзлаштиришга катта маблағ ажратилди. Оқибатда раҳбарлар ҳам, пахтакорлар ҳам деҳқончиликнинг бу осон йўлига ўтиб олдилар.

Андижон области шароитида фақат Марказий Фарғона ерларидан бир қисмини ўзлаштириш имконияти бор эди, холос. Бу эса аҳолиси зич жойлашган районларни қаноатлантирмасди. Шунинг учун ҳам адир ерларни ўзлаштириш ҳаракати бошланди.

Областнинг ўрта қисмида — шарқдан гарбга чўзилган 54 минг 640 гектар адир ерлар бўлиб, ўн йилликлар орасида унинг 23 минг гектардан кўпроғига экин экилди. Мазкур майдонлари бирон бош план асосида эмас, ҳар хўжалик билганича, ўз имкониятига қараб пала-партиш ўзлаштирди. Бу ишга олимлар, табиатшунослар, агрономия ва гидротехника мутахассислари жалб этилмади. Табиат мувозанатини бузмаслик учун адирларга экиладиган экинларни қай усулда суғориш мақбуллиги ўйланиб, бирон тўғри хулосага келинмади. Бундай жойларда асосан сувни кам талаб қиладиган боғлар, полиз ва озуқа экинлари ўстириш мақбуллигига қарамай, кўпчилик майдонларни пахта эгаллади.

Адир ерларнинг тупроғи чўкиб-зичлашиб улгурмасидан * босиб гектар адир ерни очдик деб, пастликлардаги ундан бир неча баравар кўп маданий экинзор ишдан чиқмоқда. Шу ўринда хоразмлик, саксон уч ёшли Саид Исаевнинг мулоҳазаларини келтирмоқчиман. Ҳурматли отахонимиз Андижон сув омборини қуришдаги нуқсонлар ва деҳқонларнинг қийин аҳволи ҳақидаги гапларимни эшитиб, шундай деди:

— Афсус! Андижон ҳам захлабди! Бу касофат азобини Хоразм халқи ўн йилдан ортиқ чекди. Деҳқончилик издан чиқди. Экилган чигит баъзан кўкарди, ё кўкаролмай йўқ бўлиб кетди. Пахтанинг минглаб гектари қуриди, бедадан эса асар қолмади. Қишлоқларда уй-жойлар емирилди. Пахта ҳосили тушди.

Сабаби: шароитни яхши тушунмаган билағонлар келиб, насос, чиғир ёрдамида суғоришни қоралаб, дамба усулида сув чиқаришди. Орадан икки йил ўтиши билан деҳқонга зиён етди.

1985 йилда республика партия ташкилотига хат ёздим. Қашқадарё, Бухоро, Навоий областларининг зах сувлари Амударёга тушиб покиза сувни булғаяпти. Туямўйин сув омборини қуриб, сувни баландга кўтардилар. Ҳозир Ҳазорасп, Янгиариқ районларидаги мевали дарахтлар қуриб қолаяпти. Зах Урганч томонга илдам силжимоқда.

Деҳқончилигимизнинг пастлаб кетаётганига мана шу зах сабабчидир. ШУНИНГ УЧУН ЯНГИ ЕР ОЧИШНИ ТЎХТАТИШ ДАРКОР! ҲОЗИРГИ МАВЖУД ЕРЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БИЛАН АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ — ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ!

Саид отанинг куюнчаклик билан айтган сўзларига Ўзбекистоннинг аксарият пахтапарвар деҳқонлари қўшилишади, деб ўйлайман.

АНДИЖОН областида она-тупроқ унумдорлигига хавф солаётган яна бир муаммони тилга олмоқчимиз. Гап Андижон сув омборининг фойда-зиёни тўғрисида. Албатта, областнинг шарқий чегарасида қурилган бу ноёб иншоот Фарғона водийсида сув танқислиги ва сув тошқини хавфига барҳам берди. Бу жиҳатдан водий меҳнаткашларининг миннатдорлиги чексиз.

Аммо сув омбори қуриб битказилгач, унинг салбий томонлари ҳам кўриниб қолди. Иншоотни СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қурди. Унинг лойиҳасини тузишда сув омборининг Фарғона водийси деҳқончилигига таъсири чуқур ва атрофлича текширилиб кўрилмади. Тўпланган об-ҳаёт тўғон пастидан оқизилмоқда. Натижада офтоб кўрмаган музлик сув канаплларга очилмоқда. У экинларга таралганда ўсимликлар ривожи кескин секинлашмоқда.

Иккинчидан, тоғ-тошлардан оқиб келаётган дарё сувларида ҳосилдор лойқа бўларди. У экинларга озуқа, ерларга қўшимча малҳам дир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, пахта ҳосилдорлиги шу туфайли 2—3 центнерга ортарди. Ҳозир дарёлардан оқиб келаётган лойқа омборнинг тепа қисмида чўкиб қолмоқда.

Учинчидан, сув омбори қурилмасидан олдин иншоот этагидаги Қўрғонтепа районида сизот сувлар мутлақо йўқ эди. Қудуқ қазиб ҳам сув чиқариб бўлмасди. Энди район ерларини зах босди. Зовурлар қазилмоқда. Захлаш балоси Хўжаобод, Андижон районларига ҳам етиб келмоқда.

Ўш областининг Қорасув районига қарашли Савай қишлоғи ва Тоширов номли колхоз хонадонлари Андижон сув омборининг мустаҳкамланмаган адир-қирларидан иборат қирғоғи яқинида жойлашган. Бу қишлоқлар кўпдан бери захлаб, дов-дарахтлари қуримоқда, уйлар девори нураб чўка бошлади.

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали Андижон сув омбори қурилишига доир айрим фикрларни айтсак, республика ташкилотларининг баъзи раҳбарлари хафа бўлиб: «440 миллион сўм пул сарфлаб сизларни сув танқислигидан, сув тошқинларидан халос қилсак яна норози бўласизлар. Бу ёзувчилар, журналистлар билиб-билмай гапиришаверади. Ахир сизлар нега индамайсизлар?!» — деб область агросаноат комитетидаги ўртоқларга таъна қилишди.

Таажжуб! Қаранг, ёзувчиларни, журналистларни калтабинликда айблаш ўрнига бугун-эрта рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш чораларини қидиришса бўлмасмикан? Ахир неча йилдан бери Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Хўжаобод, Марҳамат, Андижон районларида ҳосилдорлик тобора камайиб, экономика катта зиён тортмоқда. Бу зудлик билан чора кўрилмаса, яқин орада янада оғирроқ мусибатларга олиб келадиган фалокатдир. Ахир у ерни, заминни хароб қилмоқда! Она-тупроғимиз фарёд чекмоқда!

Яна бир яққол мисол. Бир пайтлар совет пахтачилигининг алоҳида мактаби бўлган Ленин орденли «Савай» совхоз-техникуми Андижон омборидан сув ича бошлагач ўтириб қолди. Мўл ҳосил сир-асрорини кўпларга, шулар қаторида Болгария Халқ Республикасидан икки йил муҳлатга келган деҳқонларга ўргатган пахтакорлар ҳозир ҳам бор. Бироқ улар қанча уринмасинлар, ҳосилдорликни аввалги даражага етказолмаяптилар, аксинча, йилдан-йилга планлар бажарилмай, гуноҳсиз пахтакорлар беасос маломатга қолмоқдалар.

АНДИЖОН пахта маскани сифатида ном тараганини юқорида таъкидладик. Дарҳақиқат, бу ерда деҳқончиликнинг моҳир усталари кўп бўлган. Улар ерни тоза сақлаш, тупроқни турли микроэлементларга бойитишда асрий тажрибага эга эдилар.

Бироқ алмашлаб экиш тартиби бузилганидан, бир майдонга ҳадеб пахта экилаверганидан ерлар ҳориб-чарчади, чоғланган ҳосилни беришга қурби етмай қолди. Шундан кейин юқоридан бўлган тазйиқлар, монокультура снёсати туфайли пахта ҳосилдорлигини пасайтирмаслик, аксинча, уни кўпайтириш учун сунъий чоралар кўрибригада ўз ҳисобидан Қирғизистондан юз тонна мочевина олиб келиб, маккажўхори қатор оралариға солган. Демак, гектарига уч тоннадан минерал ўғит солинган. Инсоф юзасидан айтинг-чи, бунча ўғит еган ер келажакда қай ҳолатга тушади? Бу ёғини ўйлайдиган инсофли деҳқон, виждонли мутахассис, истиқболга ҳурмат билан қарайдиган раҳбар борми ўзи?! Ерни хароб қилиш эвазига рекорд ҳосил олишнинг кимга кераги бор?!

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» номли китобида ерга ҳадеб минерал ўғит солинавериши, оқибатида тупроқ кукунга айланиб, тамомила унумсиз ҳолга келиши мумкинлигини таъкидлаган. Бизда ҳозир худди шу аҳвол рўй бераяпти. Буни пахта ҳосилдорлигининг йил сайин орқага кетаётганидан ҳам билса бўлади.

Деҳқонларимиз, агрономларимиз, партия, совет ва хўжалик раҳбарларимиз ерларнинг чарчаганини ҳам, ҳосилдорлик камайиб бораётганини ҳам, бунинг асосий сабабларидан бири — алмашлаб экиш таомилининг амалда қўлланилмаётганини ҳам яхши биладилар. Бу ҳақда ҳар бир йиғилишда, матбуотда, радио-телевиденеда кўп гапирилади. Лекин неча йилдирки, бу равиш ўзгармаётир.

Агар биз алмашлаб экишни мисрлик, хитойлик деҳқонлар сингари қатъийлик билан қўлланганимизда ерларимиз ҳозиргидай ачинарли ҳолатга тушмаган бўлар. ди. Тупроқ донадорлиги, ундаги микроэлементлар, айниқса ерни бойитиб берадиган чувалчанглар сақланиб қолган бўларди. Мисрга борганимизда Нил дарёси бўйларидаги далаларни, Хитойда эса яхлит экинзорларни кўрдик. У ерларда алмашлаб деҳқончилик қилинганлиги туфайли минг йиллар давомида тупроқ ўз унумдорлик хусусиятини йўқотмаган. Бундан кейин ҳам йўқотмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ирригация бўйича комиссияси ўттиз йил муқаддам Андижонга келганида мисрлик мутахассис гап орасида: «Сизлар ердан ваҳшиёна фойдаланяпсизлар», — деганида тамомила ҳақли эканлигини энди англамоқдамиз. У маҳалларда бизга ўша ҳақиқат ботмаган эди.

Қайта қуриш шабадаси эсмоқда. Энди рўй-рост яшашга, ҳалол меҳнат қилишга кенг йўл очилди. Ниҳоят, алмашлаб экишни тўла жорий этишга шароит яратилди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, ерни алдашга, уни хароб қилишга уринишни ҳамон давом этмоқда. Қўшимча сифатида яна шуни айтмоқчимизки, Андижон областида бу йил ўтган йилга нисбатан 50 минг тонна пахта кам планлаштирилди. Демак, энди беш минг гектарга яқин пахта майдонини бошқа экинларга ажратиш, издан чиққан алмашлаб экишни бир қадар тартибга солиш имкониятн туғилди. Бинобарин, бошқа экинларни соғинган пахта ерларининг бир қисми дам олади, куч тўплайди.

Яқинда бўлиб ўтган республика агросаноат комплекси ходимларининг қурултойида пахтачилигимиздаги, умуман, деҳқончилигимиздаги муаммолар ошкора, рўй-рост ўртага ташланди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги экинлари тақ дирини деҳқоннинг ўзига топшириш алоҳида таъкидланди. Ҳар қалай, бу галгиси охирги ваъда бўлади, деган умид туғилди дилларимизда. Энди алмашлаб экишни жорий этишда ҳам раҳбарлари. миз қатъиятлик кўрсатишса, нур устига аъло нур бўлур эди. Ахир, бу деҳқонларимизнинг кўп йиллик эзгу орзусидир. Бундан наинки деҳқонларимиз, биринчи навбатда республикамиз экономикаси, маданияти, барча меҳнаткашлар жуда катта наф кўрган бўлар эдилар.

ЖОНАЖОН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

РИГА. Латвия пойтахтининг янги уйсозлик комбинатини маиший корпус қуришдан бошлашга қарор қилинди. «Ригапромстрой» трестининг меҳнат коллективи шундай фикр юритди. Бўлғуси комбинатнинг биринчи биносида 1500 ўринли ошхона ва 35 ўринли кафе, 2 та магазин, медпункт, душхона, мажлислар ва маданий тадбирлар учун зал жойлашади. Маиший «цех»нинг замонавий талабларга мос келадиган лойиҳасини «Латгипропром» институти инженерлари ишлаб чиқдилар. Комбинатнинг биринчи навбатини кечи билан 1990 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Комбинат бир йилда 200 минг квадрат метр уйжой тайёрлаб берадиган бўлади.

●

ОРЕНБУРГ. Мичурин номли, Ворошилов номли колхозлар ҳамда Свердлов номли совхоз ходимлари инкубатор станциясидан ўрдак жўжаларини аниқ графикка мувофиқ ола бошладилар. Томорқаларда ўрдак боқиш бу йил биринчи марта «Окбулакское» паррандачилик бирлашмаси билан тузилган шартномаларга асосланди. Бундан икки тараф ҳам наф кўради: паррандачилик комплекси район матлубот жамияти орқали аҳолига омухта ем сотади, шундан кейин ҳар бир оила боқилган ўрдакларининг ярмини бирлашмага топширади. Оренбург областида шахсий ёрдамчи хўжаликларда ўрдак етиштириш тобора кенгроқ ёйилмоқда. Бу йил булгурга нисбатан аҳолига қарийб 700 мингтадан кўпроқ ўрдак жўжалари сотилади.

●

ДЗЕРЖИНСК (Горький области). Янги синтетик ювадиган модда ёрдамида кир ювиш, бош ювишдан ташқари газмол дағларини кетказиш ёхуд металл бюмларни тозалаш мумкин. «Капролактам» бирлашмасида шу модда ишлаб чиқарила бошлади. У сифати жиҳатидан совунга яқин: терини ачиштирмайди ва табиат учун безиёндир.

(ТАСС).

БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Октябрь революцияси орденли Ўрта Осиё темир йўлининг коллективи ўтган йилги давлат планини бажаришда эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва у СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзиб қўйилади.

12 апрель куни Тошкентда магистрал меҳнат коллективлари вакилларининг мукофот топширилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. СССР темир йўллар министрининг биринчи ўринбосари В. Н. Гинько темир йўлчиларга кўчма байроқни топширди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этдилар.

Ўтган йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиққан республиканинг бошқа коллективларида ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини топширишга бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков Гулистон нон заводи коллективига, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов «Ҳурмат белгиси» орденли «Каттақўрғон» саноат комплексининг меҳнаткашларига, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигининг Қўқон эксплуатация-линия бошқармаси коллективига байроқ топширдилар.

Усмон Юсупов районидаги Ғ. Ғулом номли давлат наслчилик заводининг, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Узградострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд уйсозлик комбинати, Уйчи районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози коллективларига ҳам тантанали вазиятда байроқлар топширилди.

(ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказидан

Апрелнинг биринчи ўн кунида об-ҳаво беқарор бўлиб турди, ёмғир ёғиб, ҳарорат нормадагидан 1—3 даража паст келди. Ой бошида ёғингарчилик сабабли аксарият областларда чигит экиш учун имкон бўлмадн. Фақат Сурхондарё, Наманган, Навоий областларида экиш ишлари тўхтамадн. Республиканинг қолган қисмида ўн кунлик охирига келиб об-ҳаво юришиб кетдн ва тупроқ тобга келган жойларда чигит экишга киришилдн.

Ўн кун мобайнида 10 сантиметр чуқурликдаги тупроқнинг ўртача ҳарорати 12—14 даражани, ҚҚАССР, Жиззах, Самарқанд областларининг кўпчилик, Тошкент, Фарғона областларининг баъзи жойларида 10—11 даражани ташкил этдн.

Бедазорларда ниҳоллар гуркираб ўсдн, жанубий районларда беда одатдагидан 10—15 кун илгари гул кўрсатдн. 10 апрелда новдаларнинг узунлиги 15—35, жанубий областларда 40—60, шимолда 5—14 сантиметрга етганлиги кузатилдн.

Марказий ва шарқий областларда мевали дарахтларнинг барглари йирикларша бошлади, жанубда эса мевалари шаклланмоқда. Олча, олхўри, баъзи жойларда олма, нок одатдагига яқин муддатда гулладн. Жанубий областларда жала ёғиши туфайли гуллаган мевали дарахтлар шикастландн, гул чанглари ювилиб, гул ва гунчаларн тўкилдн.

Марказий ва шарқий областларда тут барг чиқара бошлади, жанубда эса бешинчи барг пайдо бўлдн. Токлар ёппасига куртакладн, ўн кунлик охирида дастлабки барглар кўринди. Жанубда ток барглари ўса бошладн.

Шимолий областлардаги мевали дарахтлар дастлабки барглари кўрсатдн, ўрик гулладн. Тут ва токлар ёппасига куртакламоқда.

Кузги ғаллазорларда ниҳолларнинг найчалаши давом этдн, жойларда пояладн. Тоғолди районлари ва уруғ кеч экилган жойларда ниҳоллар ёппасига тупладн. Кузги ғалланинг бўйи 18—25 сантиметрга етдн.

Баҳорн экинлар ёппасига ўниб чиқа бошладн, жойларда у учинчи барг кўрсатдн. Ниҳопларнинг бўйи 5—11 сантиметрни ташкил этмоқда.

Республикада макжажўхори экиш давом эттирилдн. Экилган уруғнинг ниш уруши бошландн, жанубда эса кўкариб чиқдн.

Ярим саҳро районларда кўкатлар гулладн, саҳро районларда майда ўтлар жадал ўсдн, жанубда улар бошоқладн. Яйловларда мол боқиш асосан қулай шароитларда ўтдн.

Апрелнинг иккинчн ўн кунида ўртача ҳарорат одатдагидан 1—2 даража юқорн — 15—17 даража бўладн. Жанубда эса 19 даражагача кўтарилади. ҚҚАССРда 11—13 даража бўлиши кутилмоқда. Бу эса чигит экишни ёппасига олиб бориш имконинн беради. Экилган уруғ учун нам етарли, шароит яхши бўладн.

Н. АЛЕКСКО, агрометеоролог.

Риштон районидаги «Риштон» совхози чорвадорлари ўртасидаги мусобақада Турсуной Умарова пешқадамлик қилаётир. У қарамоғидаги говмишларни хушхўр озуқа билан боқиб, уларнинг ҳар биридан кунига 10—11 килограммдан серқаймоқ сут соғаяпти. Илғор сигирсоғар ярим йиллик топшириқни Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача ошириб бажаришга бел боғлаган.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ фотоси.

«Узбекнефтегазгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ҳисородди экспедициясининг Ўрол Бердиев етакчилигидаги пармаловчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига меҳнат беллашувини тобора авж олдирмоқдалар. Улар биринчи кварталда ярим километрдан кўп чуқурликдаги қудуқни кавлашга муваффақ бўлдилар. Шу даврда 70 минг сўмлик ресурслар тежаб қолинди. Зарбдорлар партия анжумани очиладиган кунгача уч йиллик планни бажариш иштиёқида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

СУРАТДА: экспедиция бош геологи Султонхўжа Омонхўжаев (ўнгда) бригадир Ўрол Бердиев ва пармаловчи Эмирасан Мамутов билан навбатдаги ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ фотоси, (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА АСОСИДА

Калинин районидаги Калинин номли колхоз чорвадорлари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани авж олдириб ишламоқдалар. Тармоқни юксалтириш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш соҳасида илғорлар тажрибаси кенг қўлланилаяпти. Шу боисдан моллар маҳсулдорлиги ортиб, юқори рентабелликка эришилмоқда.

Хўжалик сут-товар фермасида моҳир сигирсоғарлар кўп. Марзия Отамуродова — уларнинг бири. Бу илғор чорвадор жорий йилда давлатга 76 тоннадан зиёд серқаймоқ сут етказиб беришга бел боғлаган. Айни кунларда қарамоғидаги 24 бош говмишни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаб, ҳар биридан кунига 8—10 килограммгача сут соғмоқда.

— Беш йилликнинг учинчи йилида ҳар сигир маҳсулдорлигини 3.200 килограмм. га етказиш ниятидаман, — дейди моҳир чорвадор. — Ана шу мақсадни кўзлаб йил бошидан астойдил меҳнат қилаяпман. Биринчи квартал топшириғини ошириб уддаладим. Ҳар сигирдан 900 килограммдан сут соғдим. Бундан буён моллар нинг озиғи кўкка етиб, сути кўпаяди. Демак, соғимга барака киради.

Фермада Марзияга ўхшаш жонқуяр чорвадорлар кўп. Малика Қодирова, Жамила Раҳимова, Фотима Муҳиддинова, Ҳуринисо Холиқова, Замира Содиқова каби сигирсоғарлар ҳам зиммага юксак мажбурият олиб ишлашаяпти. Ўзаро социалистик мусобақа меҳнат ғайратини оширмоқда.

А. ҒУЛОМОВ.

БЕРДАҚ ТАВАЛЛУДИНИНГ 160 ЙИЛЛИГИГА

БУЛБУЛ БЎЛИБ САЙРАБ ЎТДИ, СЎЗ ҚИЛИЧИН ҚАЙРАБ ЎТДИ

Бирор эл-элат, халқ тўғрисида гап кетганда биринчи навбатда машҳур кишилари эсга олинади. Қорақалпоқ адабиётининг асосчиси, демократ шоир, миллий маданият ривожига катта ҳисса қўшган Бердақ ана шундай алломалардан бири эди.

Бердақ ҳаётлигидаёқ тадқиқотчилар назарига тушган ижодкор. У яшаган давр, яъни XIX аср учун бу катта гап. Шоир вафотидан бир қанча муддат олдин маҳаллий рус маъмурияти уни Петро-Александровскка (ҳозирги Тўрткўл шаҳри) таклиф қилгани ҳақида тарихий фактлар бор. Орадан кўп ўтмай, 1903 йилда Мелиоранскийнинг шогирдларидан бўлган И. А. Беляев қорақалпоқ тили, тарихи, фольклорига оид маълумотлар билан бирга Бердақнинг «Шажара» номли асарини ҳам ёзиб олади ва нашр эттиради. Лекин Бердақ асарларн ўзининг ҳақиқий тадқиқотчилари ва ўқувчиларини асосан Октябрь революциясидан кейин топди. Шоир ижоди юзасидан А. Мусаев, А. Бегимов, А. Давқораев, И. Сағитов, М. Нурмуҳамедов, К. Мамбетов, И. Юсупов каби таниқли сўз усталари ва олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Бердақ ижоди қорақалпоқ адабиётшунослигининг муҳим қисми сифатида Нукус давлат университетида махсус курс тариқасида ўргатилади. Бундан ташқари ўрта мактабларнинг адабиёт программасидан ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Шоир асарларининг шуҳрат қозонишига асосий сабаб халқчиллигидир. «Отим Бердимурот, мен халқнинг ўғли, саҳрода сайроқ сайроқ булбули», — деганида у тамоман ҳақ эди.

Шеър тузилиши, ифода услубига кўра унинг асарлари халқ оғзаки ижоди намуналарига яқин. Бинобарин, уларни куйга солиб айтиш қулай. Шунингдек шеърларига ўзи куй басталагани, дутор чалиб, халқ ичида куйлаб юргани ҳам маълум.

Бердақ асарларининг катта қисми меҳнаткаш халқ ҳаётига бағишланган. Камбағалларнинг аянчли қисмати тасвири унинг ижодида марказий ўринни эгаллайди.

Шоирнинг дастлабки шеърларида жўшқинлик, ҳаётга муҳаббат туйғуси жўш урса ҳам, лекин бу узоққа бормайди. Муҳтожлик фақат ўзининг, узоқ-яқинларининггина қисмати бўлмай, балки ўз давридаги минг-минглаб кишиларнинг аянчли тақдири эканлигини пайқаган Бердақ замона тенгсизлигидан фиғон чекади:

Оғалар, бўлди-ку бағрим юз пора,
Бу дунёда қайғум ошар тобора.
Эл кезаман, чинлик излаб овора,
Яна хизмат қилар элим халқ учун.

Ҳамиша халқ билан ҳамнафас шоир меҳнат аҳлининг оғир аҳволига ачинибгина қолмайди, балки мавжуд ижтимоий тузумни таҳлил қилади.

Дунё ёмон, адолатли замон йўқ,
Кунлар ўтар, тарқалажак туман йўқ,
Менинг бу сўзимда шак йўқ, гумон йўқ,
Эшмаматжон, дунё ёмон кўринди.

Бердақ замонасида миллий истибдодга, жабр-зулмга қарши уч марта—1827, 1855—56, 1858—59 йилларда исён кўтарилди. Халқ норозилиги шоир ижодига, дунёқарашига катта таъсир ўтказди. Бинобарин, унинг асарларидаги фош қилувчи таниқлий руҳ тобора кучая борди.

Бердақ халқнинг мусибатли ҳаёт кечиришига аввало хон ва беклар, маҳаллий бойлар сабабчи деб тушунди. Шунинг учун ҳам замона ситамкорлигидан нола чеккан шоир «Қолмади», «Кўзим», «Бўлган эмас», «Ёз келурми?», «Омонгелди» каби асарларида ҳажв қаламининг ўткир тиғини меҳнаткашлар оммасини аёвсиз эксплуатация қилиб келаётган текинхўр бойларнинг, уларни қўллаб-қувватлайдиган амалдор ва руҳонийларнинг асл башарасини очиб ташлашга қаратди, «Дунё яралгандан бери одил шоҳ бўлган эмас», — деган хулосага келди.

Бердақ ўз даврининг фарзанди сифатида бир томондан ислом ақидаларига бўйсунди, уни тан олди, ҳатто бахтли қилиш учун худодан мадад тилади, иккинчи томондан, руҳонийларнинг кирдикорларидан қаттиқ ғазабланди.

Маълумки, солиқ ўтмишда эксплуатациянинг муҳим воситаларидан бири бўлган. У халқнинг тинкасини қуритиб, хонавайрон қилган. Чунки солиқ тўлашга қурби етмаганларнинг ер-сув эгаларига қарамлиги тобора орта борган. Шоир «Солиқ» шеърида турли баҳоналар билан халқ чўнтагига қўл солиб ситам ўтказган Нуримбет, Палим лаққи, Қулимбат, Пирим чўлоқ, Ўрмон оҳун каби амалдорларни номма-ном санаб, қаттиқ танқид қилди. Шунисн ҳайратланарлики, асардаги амалдорларнинг таъриф-тавсифи Муқимийнинг «Саёҳатнома»сидаги амалдорлар тасвирига яқин туради.

Бир хил социал муҳитнинг икки халқ куйчисига таъсирини Муқимийнинг «Тўй» ва Бердақнинг «Хасис экан» асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда гап тасвир материалининг бир хиллигидагина эмас, балки унга бўлган муносабатларнинг ҳам уйғунлигидадир. Муқимий тошкентлик бойнинг гумаштаси тўйини тасвирлар экан, бойларнинг хасис ва очкўзлигини кўрсатишда эсдан чиқмайдиган образли ифодалардан фойдаланади. (Товоқлардаги ошнинг кўз ёшига ўхшатилишини, уни кўриб кўпчилик ҳушдан кетганини эсланг). Бердақ эса бойнинг хасислигини таърифлаш йўлидан боради.

Шеърда тасвирланишича, Олимбой элга довруғ солиш ниятида атрофга чопар йўллаб, тўйга чорлайди. Аммо ҳақиқий тўй фақат бек ва бойларга аталган эди. Бошқаларга эса, ўн кишига бир товоқдан ош тортилади. Бу ерда шоир бойларнинг хасислигини кўрсатиш билан маънавий дунёсининг пучлигига алоҳида урғу беради.

Хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқининг топталиши, уларнинг буюм каби сотилиши, тўрт девор ичида кундошлар қуршовидаги жафоли ҳаёти демократ шоир Бердақ ижодида асосий ўринлардан бирини ишғол қилади.

«Келин», «Ўйланма», «Аҳмоқ подшо» асарларида хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқининг поймол этилишига қарши исёнчи сифатида майдонга чиқди. Шуниси муҳимки, Бердақ хотин-қизлар ҳуқуқсизлигини ижтимоий тузум носозлигидан изларди. «Аҳмоқ подшо» достонида тасвирланишича, подшо юртда ободончилик ўрнатиш ўрнига ёш қизларни ҳарамга тортиб, айш-ишрат билан машғул бўлади. Навбатдаги чек Сассиққўл бўйида балиқчилик билан кун кечираётган чолнинг ҳуснда тенгсиз қизи Гуландомга тушади. Инсофсиз подшо қизни қирқ биринчи хотин қилиб олади. Шоҳнинг зўравонлиги кундан-кун ошаверади. У кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятларга қўл уради. Натижада фарзандлари бошлиқ бутун жабрдийдалар золим шоҳни бадном этадилар. Ҳақиқат тантана қилиб, халқ эркин нафас олади.

Яхшиликнинг ёмонлик устидан, албатта ғалаба қозониши Бердақнинг чинакам орзуси бўлиб, халқ оғзаки ижодига хос бундай якун шоирнинг қатор асарларига оптимистик руҳ бағишлайди. Дарҳақиқат, шоир ёрқин келажакка комил ишонч билан боқади. Асрлар давомида бир бурда нонга зор бўлиб, эзилиб келган халқнинг бир кун эмас, бир кун мунавар ҳаётга эришишига астойдил ишонади:

Осийлик этмайин,
тавба қилайин,
Эй, оғалар, ёлғон
айтиб наайлайин.
Ўлсам, сўзим қолар,
айтиб ўлайин:
Тундан кейин кундуз келур
бир замон.

Бердақ орзу қилган даврон Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин келди. Китобхон халқимиз Бердақни асло унутмайди. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда. Бир қанча мактаблар, колхоз ва совхозлар, кўчалар, илмий-маданий муассасалар демократ шоир номи билан аталади. Бундан ташқари, Бердақ номида энг яхши бадиий асарлар учун мукофот ҳам таъсис этилган.

Сафо МАТЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

БЕРДАҚ

РАВШАН

ДОСТОНДАН ПАРЧА

«Ғўрсан, ҳали ҳеч ақлинг йўқ,
Шундан қорнинг бўлмайди тўқ,
Устинг юпун, уйинг қуруқ.
Очу наҳор хорсан, қизим!»

«Керак эмас бойнинг моли,
Келгай ҳар кимнинг иқболи,
Майли, оғир акам ҳоли.
Ўз эркимга ёрман, отам».

«Дийдоринг бўлса деб насиб,
Сенн кўрди бой муносиб,
Эҳ, не қизлар бахт талашиб,
Бойга тегсам дерлар, қизим!»

«Текканлар тегсин, не ишим!
Ортгинангга қайта қол жим,
Ўнбешдадир ҳали ёшим,
Эр даркормас менга, отам!»

«Ўн тўртга ўтов эгаси,
Бойга бўлсангиз тегаси,
Суюкли ёрга барчаси
Хизмат этиб турар, қизим!»

«Хотинга қандай хизматкор!
Ҳар кимга худо мададкор!
Айт, сўзингда не маъно бор,
Хизматкоринг кимдир, отам!»

«Нозик нозол қоматинг бор,
Зулайходай келбатинг бор.
Бой оғангда уч хотин бор,
Хизматкоринг шулар, қизим!»

«Хизматкоринг шу, дединг-ми!
Бойдан кўп пора едингми!
Мени муносиб кўрдингми
Уч хотин устига, отам!»

«Хўш... уч хотин бойда бўлса,
Донғил сарой жойда бўлса,
Қизингни бер, фойда бўлса,
Бошқа сўзни қўйгил, отам!»

«Оҳ, кесилсин аччиқ тилинг,
Аламдан қон бўлсин дилинг,
Очилганда сўлсин гулинг,
Ҳайратда лол этдинг, қизим!»

«Мендан камми уч хотин, хўш!..
Фаҳм этдингми ё менн бўш!
Олтин билан тенгми кумуш!..
Вой, билмаган фарқинн, отам!..»

Қорақалпоқчадан
Муҳаммад АЛИ
таржимаси.

Совет турмуш тарзи

ЭЗГУЛИКНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Жиззах районидаги Хайробод қишлоғидан Улуғ Ватан уруши жангоҳларига отланган мардларнинг 116 нафари қадрдон гўшасига қайтиб келмади: улар мамлакатимиз тупроғини фашист босқинчилардан озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлишди.

Шаҳидларнинг ҳамқишлоқлари эзгу ташаббус билан чиқишди — умумхалқ ҳашари асосида Хайробод марказида мангу ёдгорлик яратиладиган бўлди. Ҳар бир хонадон тикланажак обида учун ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилди.

— Уруш бир йўла икки акам — Зуфархон ва Пўлатхондан айирди, — дейди Хайрободда истиқомат қилувчи ишчи Қудратхон Аминов. — Энди жигарбандларимнинг номи мармар ёдгорликка битиладиган бўлди. Қандай яхши! Мен шахсий жамғармадан 250 сўм пулни ана шу ёдгорлик ҳисобига ўтказдим.

Абдували Худойбердиев, Урдуш Султонқулов, Норимурод Қайнаров, Пардавой Абдужабборов кабилар ҳам катта ҳиммат кўрсатишди.

Шу кунларда ёдгорлик соат сайин бўй чўзаяпти. Мақсад аниқ: бу қурилишни ғалаба кунигача поёнига етказиш керак. Жиззах ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал қурилиш бўлими бошлиғи Бекпўлат Орзиқулов бунёдкорларга бош-қош. Қурилиш майдони узлуксиз конвейерни эслатади. Нормат Мирзаев, Рашид Шокиров, Азим Ҳошимов, Зиёд Дониёров, Холмат Бобоқўчаев астойдил ишлаяптилар. Эргаш Отабоев, Маъмур Отабоев, Худойназар Арзақулов сингари шоферлар ғайрати туфайли иш суръати мўлжалдагидан илдам бораяпти.

Улуғ Ватан уруши шаҳидлари хотирасига яна бир ёдгорлик яратилмоқда.

Жаббор ЖЎРАЕВ,
СССР маорифи аълочиси, Хайробод қишлоғи ветеранлар кенгаши раиси.

СПОРТ ахбороти

ФУТБОЛ

Шу кунларда мамлакат чемпионатининг барча лигаларида мусобақалар қизғин ўтаяпти. Футбол командалари айни чоғда биллур совриннн — СССР кубоги учун баҳсларни ҳам давом эттираяптилар. Куни кеча ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Харьковда маҳаллий «Металлист» ва «Ротор» (Волгоград) коллективлари учрашдилар. Ўйин тақдирини 83-минутда майдон эгалари ҳужумчиси Баранов киритган ягона тўп ҳал этди. Натижада «Металлист» командаси бошқа клублар орасида биринчи бўлиб ярим финалга чиқди.

Кеча СССР кубогининг яна учта нимчорак матчи бўлиб ўтди. Унда голиб келган командалар ярим финалга йўлланма олишади.

ШАХМАТ

Брюсселда шахмат бўйича жаҳон кубоги мусобақалари давом этмоқда. Унда ер юзининг турли мамлакатларидан келган кучли гроссмейстерлар ва мастерлар голиблик учун курашаяптилар. Ҳозир шахматчилар тўққиз мартадан куч синашишди.

Сўнгги тур учрашувлари янада қизғин кураш остида ўтди. Югославиялик Любомир Любоевич билан ўйнаган Анатолий Карпов фарзинини қурбон қилиб, ажойиб ғалабага эришди. Бу собиқ жаҳон чемпионига жамғармасидаги очколарни олтитага етказиб, ягона пешқадам бўлиб олиш имконини берди.

БОКС

Хельсинкида спортнинг бу тури бўйича йирик халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Мутахассислар томонидан бўлажак ёзги олимпиада ўйинлари олдидан ўзига хос кўрик деб баҳоланган мазкур турнирда ГДР, Куба ва Руминия боксчилари айниқса муваффақиятли қатнашдилар. Улар учтадан олтин медални қўлга киритишди.

Унда совет боксчилари ҳам дуруст иштирок этдилар. 91 килограммгача вазн тоифасида рингга тушган Андрей Орешкин барча рақибларини енгиб, ҳурмат шоҳсупасининг биринчи погонасига кўтарилди.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

Олий лигага қайси командалар йўлланма олишади? Шу кунларда давом этаётган ўтиш мусобақалари бу саволга жавоб бериши керак. Унга тўрт команда даъвогарлик қилаяпти. Ярославль, Горький, Усть-Каменогорскнинг «Торпедо» ва Харьковнинг «Динамо» коллективлари дастлабки тўрт ўринни эгаллаб туришибди. Улар бошқа клублардан бирмунча илгарилаб олишди.

Сўнгги ўйинлар натижаси: «Сибирь» (Новосибирск) — «Динамо» (Минск) — 2:3, 1:5, «Торпедо» (Усть-Каменогорск) — «Торпедо» (Горький) — 3:1, 7:4. Урицкий номли спорт клуби — «Салават Юлаев» — 7:1, 5:3, «Ижсталь» (Ижевск) — «Торпедо» (Тольятти) — 9:1, 4:1.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 12 апрель сони 4-саҳифасининг 4-устун юқоридан биринчи абзацининг пастдан 7—15-қаторлари қуйидагича ўқилсин: «чиқишимиз керак. Бу жиҳатдан Тошду ўзбек тили ва адабиёти факультети, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» редакциялари, бошқа ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар ўз ишларини жиддий қайта кўриб чиқишлари лозим».

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сонн 16 апрель, шанба куни чиқади.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР

ЎЗ ЖОЙИНИ ТОПАДИ

«НЕО-5» МЕБЕЛЬ ТЕРМАСИНИНГ ШКАФЛАРИДА ҲАР БИР БУЮМ ЎЗ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛАДИ.

Бу корпусли мебель термаси замонавий квартиралар учун жуда қулай бўлиб, унда барча зарур буюмларни жой-жойига саранжомлаб қўйиш мумкин: китоб дейсизми, идиш-товоқми, кийим-кечаг-у, грампластинкагача ҳамма-ҳаммаси ҳамиша қўл остингизда бўлади.

«НЕО-5» антресолли тўртта шкафдан иборат. Мебелнинг олд томони шпонлар билан жиҳозланган, шунингдек декоратив безак ўрнида ўзига хос фурнитурадан фойдаланилган. Тайёрловчи — Фарғона мебель фабрикаси.

Тошкент, Фарғона шаҳарлари ҳамда Фарғона областидаги мебель магазинларида сотилаётган бу мебель термасининг баҳоси — 837 сўм.



ФАРҒОНА МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон: 55-22-89).

ТАНИШИНГ:

СТРАХОВАНИЕНИНГ

ЯНГИ ТУРИ

Госстрах

ИМОРАТЛАР ВА РЎЗҒОР МОЛ-МУЛКИНИ КОМПЛЕКС СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ — ЖУДА ҚУЛАЙ.

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ШАХСИЙ МУЛКИ ҲИСОБЛАНГАН ИМОРАТЛАР ВА УЙ-РЎЗҒОРДАГИ МОЛ-МУЛКЛАР ЯГОНА СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИ ГУВОҲНОМАСИ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНАДИ.

Страхованиенинг бу турида страхование қилдирувчининг хоҳишига кўра 5000 сўм (энг камида) ва ундан ортиқ миқдорда иморатлар ва рўзғор мол-мулкининг конкрет қиймати кўрсатилмаган ҳолда ягона страхование суммаси белгиланади. 5000 сўмдан қиммат баҳоланган шартномалар тузиш учун иморатлар ва мол-мулк албатта кўздан кечирилади.

Комплекс страхование шартномаси бир йил муддатга тузилади. Бошланиш тўловларининг тариф ставкаси бир хил—иморат қаерда жойлашганидан ва қандай материаллардан тикланганидан қатъий назар ҳар юз сўмдан йилига 35 тийинни ташкил этади.

Страхование шартларида кўзда тутилган ҳолларда комплекс страхование шартномаси бўйича зарар ўрнини қоплаш ҳамда етказилган зарарнинг ҳажми масаласи кўрсатилган мол-мулк страхованиесига оид мавжуд кўрсатмалар доирасида белгиланади.

Страхование тўлови иморатга ёки мол-мулкка аслида етказилган зарар ҳажмида, аммо страхование суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади. Бу ҳолда страхование тўлови иморатга зарар етганлигидан қатъий назар страхование суммасининг энг кўп миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Иморатлари ва рўзғор мол-мулкини комплекс страхование қилиш бўйича уч йил мобайнида узлуксиз шартнома тузган гражданларга янги шартнома тузиш учун бир ойлик имтиёзли муддат берилади.

Страхованиенинг мазкур тури ҳақида тўлиқ маълумотларни Госстрахнинг район инспекцияларида ёки ташкилотингизга хизмат кўрсатувчи страхование агентидан билиб олишингиз мумкин.

ҲАЙВОНЛАРНИ

КЎНГИЛЛИ

СТРАХОВАНИЕ

ҚИЛИШ УЛАРНИНГ

ЭГАЛАРИ

УЧУН ФОЙДАЛИДИР.

Госстрах

Қорамол, отлар ва туяларни икки хил формада: КЎНГИЛЛИ ВА МАЖБУРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ мумкин.

Бу ҳайвонлар давлат харид нархларида ўз баҳосининг 40 процентн ҳажмида мажбурий страхование қилдирилган ҳисобланади.

Мажбурий страхованиега қўшимча равишда қорамол, от ва туялар ўз қийматининг 60 процентн миқдорида кўнгилли страхование қилиниши мумкин. Бу ҳолда қорамол, от ва туялар нобуд бўлганда етказилган зиён Госстрах органлари томонидан бу ҳайвонлар қийматининг 100 процентн миқдорида тўла қопланади.

Ҳайвонларни кўнгилли страхование қилиш шартномаси бўйича страхование тўловлари страхование суммасининг ҳар 100 сўмидан 4 сўмни ташкил этади.

Табиий офат ёки бахтсиз тасодифлар оқибатида ҳайвонлар нобуд бўлганда, шунингдек юқоридаги сабабларга кўра бу ҳайвонлар мажбуран сўйилган ҳолларда страхование суммаси тўланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН» АГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

15 АПРЕЛЬ, ЖУМА

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 **«Клим Самгининг ҳаёти».** Ўн тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси 10-серия.
10.10 «Штрауслар оиласининг музикаси». СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти.
10.55 Янгиликлар.
11.05 Фидойи шахслар. «РАФ: бир йил ўтгач».
11.50 «В. Маяковский. Большая преснялик шоир».
* * *
15.55 Янгиликлар.
16.05 «Қайта қуриш прожектори».
16.15 **«Ороллар қирғоқда туғилди».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Боку).
16.45 Пхеньян «Мансудэ» бадиий ансамблининг концерти.
17.20 **Новосибирск телевидение студиясининг программаси.**
18.05 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув.
18.35 **Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан.** Назарня масалалари. Тарихий онгнинг шаклланиши ҳақида.
19.05 «Экран» ижодий уюшмасининг мультфильмлари: «Самолётча», «Сут Нептун».
19.25 «Дунё воқеалари».
19.45 **«Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар».** «СССРда кооперация тўғрисида» СССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қиламиз».
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 **«Клим Самгининг ҳаёти».** Ўн тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.30 «Ёмғир куйи». Эстрада программаси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
9.15 «Турна қоласи». Илмий-оммабоп фильм («ЛНФ»).
9.35, 10.35 М. М. Пришвин. «Қуёш омборхонаси». 5-синф.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Антарктиданинг замонавий тадқиқотлари.
11.35, 12.35 В. П. Катаев. «Полк ўғли». 4-синф.
12.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
13.05 «Кимлигимизни билиб қўй». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).
14.30 «Мен ҳам ўз изимни қолдираман». Шоир А. Тўқай ҳаёти ва ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).
15.15 Янгиликлар.
15.25 **Такрорий телефильмлар кундузги сеанси.** «Ҳаётнинг қирғоғи». 3-серия.
* * *
18.35 Янгиликлар.
18.45 **«Олмос қирралари».** Ҳужжатли фильм премьераси («Леннаучфильм»).
19.00 Санъат усталарининг концерти.
20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 **Ҳужжатли фильмлар экрани.** Саратов область Пугачёв райони хўжаликларида қайта қуришнинг бориши ҳақида фильм.
23.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ

16.15 «Етти тепаликда». Ҳужжатли фильм.
16.45 Физика. Электролитларда электр токи.
17.15 «Кўчманчи қушлар учиб келмоқда». Телефильм.
17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Шартли командалар. Туркум процесслар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Социалистик турмуш тарзи». Хоразм областидан кўрсатув.
19.00 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
19.15 «Комсомол прожектори». Ёшлар ўртасида кадрлар қўнимсизлигининг сабаблари.
19.30 **«Ахборот»** (рус.).
19.45 **«Агросаноат ва озиқ-овқат программаси».** Республика боғбонлари ва сабзавоткорларининг долзарб вазифалари.
20.15 «Маскан». Телефильм.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 «Мусиқа истиқболи эгалари». М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси студентлар халқ чолғу оркестрининг концерти.
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Иммун тўсиқ». Илмий-оммабоп фильм.
22.30 **«Инсон ва қонун».**
23.50 Кўрсатувлар программаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 08663. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 1076. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12